ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021

УЎК: 342.8(083.132)
КБК: 67.400.5
С 22

С 22 **Сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича ўқув-амалий қўлланма.** – Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази 2021 й. – 376. б.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низамходжаев, Давлат бошқаруви академияси ректори, профессор А.Бекмуродов ва Тошкент давлат юридик университети ректори, профессор Р.Ҳакимовларнинг умумий таҳрири остида.

Таҳрир ҳайъати:
Қ.Қуранбоев, А.Туляганов, Ж.Абдуллаев, М.Икрамов, Х.Маматов, Б.Юнусов, Х.Палуаниязов, А.Қодиров, Б.Алимов, Б.Мусаев.

ISBN 978-9943-7293-0-8 **УЎК: 342.8(083.132)**
КБК: 67.400.5

Тузувчилар: *Ш. Файзиев, Х. Мухамедов, А. Йўлдошев, Ш. Асадов, М. Баратов, И. Беков, Х. Хайитов, Ш. Якубов, С. Муратаев, Д. Бекчанов, Э. Қодиров, Ж. Нематов*

ISBN 978-9943-7293-0-8

© Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021
© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021
© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021

Серикбек Муратаев, *юридик фанлари номзоди*

ОКРУГ ВА УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ БИНОЛАРИ ҲАМДА ОВОЗ БЕРИШ ХОНАЛАРИНИ ЖИҲОЗЛАШ

Округ сайлов комиссиялари биноларини жиҳозлаш

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар округ сайлов комиссияларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бинолар, мажлис заллари, хоналар ҳамда асбоб-ускуналарни бепул бериб туриши шарт.

«Бепул бериб туриши» деганда, вақтинча берилишини, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтганидан сўнг, бепул олиб турилган мулклар қайтариб берилишини англатади.

Округ сайлов комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан *камида 8 та хона*дан иборат бино билан, шунингдек, транспорт, алоқа воситалари ва Интернет тармоғига уланиш имконияти билан таъминланади.

Комиссия учун:

1) 1 та хона комиссия раисига;

2) 1 та хона комиссия раиси ўринбосарига;

3) 1 та хона комиссия котибига;

4) 1 та катта мажлислар зали (камида 250 ўринли);

5) 1 та меҳмонларни расмий қабул қилиш хонаси;

6) 1 та хона комиссия аъзолари учун – видеоконференц зал;

7) 1 та омборхона *(Округ сайлов комиссиясига юбориладиган сайлов бюллетенлари сиғишини ҳисобга олиниши керак);*

8) 1 та участка сайлов комиссияси баённомаларини қабул қилиб олиш ва овоз бериш якунларини ҳисоблаш учун 10 та компьютер билан таъминланган хона (сайлов куни учун). Бунда шуни ҳисобга олиш зарурки, овоз бериш якунланганидан сўнг ҳудуддаги барча участка сайлов комиссиялари раислари овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомаларни шахсан округ сайлов комиссиясига топшириш учун келади. Округ сайлов комиссияси ҳар бир баённомани компьютерда текшириб, сўнг қабул қилиб олиши керак.

Округ сайлов комиссиялари жойлашган бинолар тегишли тарзда жиҳозланиши ва қуйидагиларга эга бўлиши керак:

– Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг ташқари қисмида ва ичида);

– Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби (бинонинг ичида);

– сайлов округининг тартиб рақами ва номи кўрсатилган пешлавҳа;

– қулфланадиган сейф ёки металл шкаф;

– зарур мебеллар, оргтехника воситалари (компьютер, ноутбук, принтер, сканер, нусха кўчирувчи ускуна, UPS), телефон, телевизор;

– иккитадан кам бўлмаган СЖБАТ талабларига жавоб берувчи компьютер ва уларга керакли бўлган мосламалар (UPS, принтер, сканер ва бошқалар) ҳамда узлуксиз интернет алоқаси ва ҳ.к.;

– видеоконференция алоқалари учун видеомонитор, микрофон ва акустик қурилмалар;

– муқобил электр-энергия ишлаб чиқарадиган генератор қурилмаси;

– ёнғинга қарши воситалар.

Округ сайлов комиссияси жойлашган бино ва унга олиб борувчи йўлаклар озода ва таъмирланган, ёритиш мосламалари ўрнатилган бўлиши керак.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштириладиган стендларда қуйидагилар акс эттирилади:

– сайлов санасига бағишланган плакат (Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига____кун қолди);

– сайлов округининг харитаси;

– иш жадвали;

– округ сайлов комиссиясининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали ҳақидаги ахборот;

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилинган таржимаи ҳоли ва дастури;

– Марказий сайлов комиссиясининг мурожаатлар учун ташкил этилган ижтимоий тармоқлардаги каналлари, электрон манзили ва ишонч телефонлари;

– вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар ва прокуратуралар телефон рақамлари;

– сайловга оид инфографик ва схемали кўринишдаги тушунтириш материаллари.

Округ сайлов комиссияси хонасида қуйидагилар бўлиши лозим:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Сайлов кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами;

– Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, низом ва йўриқномалари;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашлари ва Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрлари (газеталари);

– сиёсий партияларнинг низоми (Устави) ва дастурлари;

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли ҳамда сайловолди платформалари (дастурлари);

– округ сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси ва навбатчилик жадвали.

Стендларда жойлаштириладиган материалларда сайловолди ташвиқотига оид нишон ва аломатлар бўлмаслиги керак.

Округ сайлов комиссиясига олиб борувчи йўлларда сайлов округининг кўрсаткичлари кўринарли жойларга жойлаштирилган бўлиши керак.



Округ сайлов комиссияси биносига кириш жойида ногиронлиги бўлган шахслар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлаклари (пандуслар) бўлиши (ғилдиракли аравачалар чиқишига мўлжалланган махсус йўлак) ва уларнинг белгиланган талабларга (эни камида 90 сантиметр, чиқиш бурчаги 30° дан кўп бўлмаган) мос келиши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари округ сайлов комиссиялари жойлашган биноларини таъмирлайди ва сайлов жиҳозлари билан таъминлашга кўмаклашади.

Округ сайлов комиссиясининг компьютерларини интернет тармоғига улаш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари кўмагида амалга оширилади. Мазкур ҳудудий бошқармалар округ сайлов комиссиясини телефон ва алоқа воситалари билан ҳам таъминлашга масъул.

Округ сайлов комиссиясида юритиладиган иш юритиш жилдлари:

– округ сайлов комиссиясининг қарорлари, баённомалари ва далолатномаларини қайд этиш дафтари ҳамда йиғма жилди;

– кириш, чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олиш дафтарлари ва йиғма жилди;

– кузатувчиларни рўйхатга олиш дафтаридан иборат бўлади.

Округ сайлов комиссияси учун ажратилган бинода Ҳудудий матбуот маркази:

1) Ҳудудий матбуот маркази раҳбари учун алоҳида хона;

2) Матбуот маркази ходимлари учун алоҳида хона;

3) ОАВ вакиллари учун кичик залда зарур компьютер ва орг-техника воситалари жойлаштирилади. Журналистлар тайёрлаган ахборотини тегишли ОАВга юбориши учун интернет алоқа воситаси, принтер, сканер, нусха кўчириш аппаратлари билан таъминланади.

Матбуот марказида ТВ ва радио учун тўғридан-тўғри кўрсатув олиб бориш имконияти яратилади.

Матбуот анжуманлари ўтказиш имкониятини берадиган камида 50 киши жойлашадиган зал тайёрланади.

Бу залда овоз кучайтиргичлар, ёритгичлар талаб даражасида бўлиши ташкиллаштирилади.

Участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар ва хоналарни жиҳозлаш.

Сайлов участкаларида овоз беришни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар участка сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул *бериб туриши шарт* (Сайлов кодексининг 26-моддаси бешинчи қисми, 49-моддаси иккинчи қисми).

Лозим бўлган даражада жиҳозланган овоз бериш хоналари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан участка сайлов комиссияларига сайловдан *камида 11 кун олдин* тақдим этилиши керак (Сайлов кодексининг 49-моддаси учинчи қисми).

Участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар ўрнатилган тарзда жиҳозланиши ва қуйидагиларга эга бўлиши керак:

– Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг ташқари қисмида ва ичида);

– Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби (бинонинг ичида);

– сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа;

– ёруғ ва кенг овоз бериш хонаси;

– қулфланадиган сейф ёки металл шкаф;

– ёзув анжомлари билан таъминланган ва ёруғ (зарурат бўлганда чироқ ўрнатилади) яширин овоз бериш кабиналари (1000 нафаргача сайловчи учун камида 2 та, 2000 нафаргача сайловчи учун камида 3 та, 3000 нафаргача сайловчи учун камида 4 та);

– зарурат бўлса, жисмоний имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган яширин овоз бериш кабиналари;

– стационар сайлов қутиси;

– кўчма сайлов қутиси;

– пластмассали пломбалар (умумий 7 дона, шундан 3 таси стационар сайлов қутиси учун, 1 таси кўчма сайлов қутиси учун, 1 таси қоп учун, 2 таси захира учун);

– участка сайлов комиссиясининг муҳри;

– зарур мебеллар, оргтехника воситалари (компьютер, принтер, сканер, нусха кўчирувчи ускуна, UPS), телефон, телевизор;

– СЖБАТ талабларига жавоб берувчи иккитадан кам бўлмаган компьютер ва уларга керакли бўлган мосламалар (UPS, принтер, сканер ва бошқалар) ҳамда узлуксиз интернет алоқаси;

– кузатувчилар учун алоҳида жойлар;

– ёнғинга қарши воситалар.

Участка сайлов комиссияси жойлашган бино ва унга

олиб борувчи йўлаклар озода ва таъмирланган, ёритиш мосламалари ўрнатилган бўлиши керак.

Участка сайлов комиссияси биносига 200 метр қолганда, йўлнинг ҳар икки томонидан ҳар 50 метр масофада сайлов участкасига йўналтирувчи кўрсаткичлар ўрнатилиши керак. (Кўрсаткич ўлчамлари: узунлиги 75 см, бўйи 25 см ни ташкил қилади.)

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштириладиган стендларда қуйидагилар акс эттирилади:

– сайлов санасига бағишланган плакатлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига_____кун қолди);

– сайлов участкасининг харитаси;

– участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали ҳақидаги ахборот;

– рўйхатга олинган номзодларнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилинган таржимаи ҳоли ва дастури;

– участка сайлов комиссиясида сайловчилар мурожаати учун Марказий сайлов комиссиясининг ишонч телефони ёки электрон манзили, округ сайлов комиссияси, тегишли туман (шаҳар) суди ва прокуратурасининг телефон рақамлари акс эттирилган маълумотлар;

– овоз бериш тартиби;

– сайловчилар рўйхати;

– сайловга оид инфографик кўринишдаги тушунтириш материаллари.

8а-ИЛОВА

Сайлов участкаси пешлавҳаси



Бино пештоқида сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа ўрнатилади. (Пешлавҳа ўлчамлари: эни 150 см, бўйи 80 см ни ташкил этади.)

Овоз бериш хонасига олиб борувчи йўлларда сайлов участкасининг белгиланган шаклдаги кўрсаткичлари кўринарли жойларга жойлаштирилиши керак.

Участка сайлов комиссияси биносига кириш жойида ногиронлар аравачасига мослаштирилган нишаб йўлаклари (пандуслар) бўлиши ва уларнинг белгиланган талабларга (эни

камида 90 сантиметр, чиқиш бурчаги 30° дан кўп бўлмаган) мос келиши керак.

Участка сайлов комиссиясида юритиладиган қуйидаги иш юритиш дафтари ва йиғма жилдлари бўлиши лозим:

– участка сайлов комиссиясининг қарорлари, баённомалари ва далолатномаларининг йиғма жилди;

– кириш, чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олиш дафтари ва йиғма жилди;

– кузатувчиларни рўйхатга олиш дафтари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 19 сентябрдаги 939-сон қарори билан тасдиқланган Сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш, архивга топшириш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ сақлаш учун тайёрланади ҳамда топширилади.

Участка сайлов комиссияси томонидан сайлов жараёнида фойдаланилган комиссия муҳри, сайлов қутилари, яширин овоз бериш кабиналари, Давлат герби ва байроғи каби моддий қийматликлар тегишли равишда туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳининг масъул шахсларига далолатнома асосида топширилади ва уларнинг жавобгарлигида сақланади.

Бинога киришда кўзга кўринарли жойда сайловга 15 кун қолганда сайловчилар рўйхати жойлаштирилади.

Сайловчилар рўйхати стенди пастки чегарасининг ер сатҳидан баландлиги камида 60 см бўлиши керак. Ўлчами: эни 240 см, бўйи 165 см бўлганда, А4 ҳажмдаги 155 та варақнинг ҳар бирида 30 тадан жами 1600 та сайловчи рўйхатини сиғдириши мумкин бўлади. Сайловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда стенд 2 та тайёрланиши мумкин.

1-стенд: Сайлов санасига бағишланган плакатлар, мисол учун, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига_____кун қолди» шаклида.

Стенд ўлчами: стенднинг пастки чегараси ер сатҳидан баландлиги камида 80 см бўлиши керак. Эни 60 см, бўйи 80 см бўлиши керак.

2-стенд: Участка сайлов комиссияси ҳақидаги маълумотлар стенди:

– сайлов участкаси харитаси;

– участка сайлов комиссияси иш жадвали;

– участка сайлов комиссияси аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали ҳақидаги ахборот;

– участка сайлов комиссиясида сайловчилар мурожаати учун Марказий сайлов комиссиясининг ишонч телефони ёки электрон манзили, округ сайлов комиссияси, тегишли туман шаҳар суди ва прокуратурасининг телефон рақамлари акс эттирилган маълумотлар;

– овоз бериш тартиби;

– сайловга оид инфографик кўринишдаги тушунтириш материаллари жойлаштирилади ва стендларда жойлаштириладиган материалларда сайловолди ташвиқотига оид нишон ва аломатлар бўлмаслиги керак.

Стенд ўлчамлари: стенднинг пастки чегараси ер сатҳидан баландлиги камида 80 см бўлиши керак. Эни 240 см, бўйи 120 см бўлиши керак.

3-стенд: Рўйхатга олинган номзодларнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилинган таржимаи ҳоли ва дастури;

Номзодлар таржимаи ҳоли жойлаштириладиган стенди ўлчамлари: стенднинг пастки чегараси ер сатҳидан баландлиги камида 80 см бўлиши керак. Эни 240 см, бўйи 120 см, стендда 5 дона А2 ҳажмдаги (Эни 42 см, бўйи 59,40 см) плакатлар жойлаштирилади.

Овоз бериш хоналарини жиҳозлашга доир талаблар

Кўчма сайлов қутилари бинодан ташқарида овоз бериш учун мўлжалланган. Овоз бериш учун кўчма сайлов қутиларининг габаритлари 30х20х35 см бўлиши керак.

Олдиндан овоз бериш учун кўчма сайлов қутиларининг сони тегишли участка сайлов комиссиясининг қарори билан белгиланади ва уларнинг ҳар бирига тартиб рақами қўйилган бўлиши керак.

Овоз бериш қутилари улар муҳрланган пайтдан то очилгунгача участка сайлов комиссияси аъзолари, кузатувчиларнинг назоратида бўлиши лозим.



Стационар сайлов қутилари



Кўчма сайлов қутиси

Сайлов қутиларининг сақланиши юзасидан назорат олиб бориш комиссия қарори билан белгиланадиган участка сайлов комиссияси аъзоси зиммасига юклатилади.

Яширин овоз бериш кабинаси у жойлашган хонада ҳозир бўлганлар томонидан сайловчининг яширин овоз беришини кузатишга имкон бермайдиган ва унинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлайдиган даражада ўралган ҳолда ташкил этилади. Кабинанинг баландлиги 2 метр ва эни 0,75 метр бўлиши талаб этилади



Яширин овоз бериш кабиналарининг эскизи



Кўчма сайлов кабинаси



Сайлов участкаси пешлавҳаси



Сайлов участкаси кўрсаткичи



Изох: Стенднинг пастки чегарасининг ер сатҳидан баландлиги камида 80 см бўлиши керак.

Участка сайлов комиссияси ҳақидаги маълумотлар стенди



Изох: Стенднинг пастки чегарасининг ер сатҳидан баландлиги камида 80 см бўлиши керак.

Номзодлар таржимаи ҳоли жойлаштириладиган стенд



Изох: Стенднинг пастки чегарасининг ер сатҳидан баландлиги камида 60 см бўлиши керак.
Сайловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда стенд 2 та тайёрланиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати стенди

Назорат учун саволлар:

1. 10 та компьютер билан таъминланган хона округ сайлов комиссиясига нима учун керак?
2. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштириладиган стендлардаги «иш жадвали» билан «иш режаси»нинг бир биридан нима фарқи бор?
3. Матбуот марказининг вазифаси нималардан иборат?
4. Лозим бўлган даражада жиҳозланган овоз бериш хоналари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан участка сайлов комиссияларига сайловдан камида 11 кун олдин тақдим этилиши керак. Ушбу қоидани ва ундаги белгиланган муддатни тушунтириб беринг.
5. 1000 нафаргача сайловчи учун участка сайлов комиссиясида нечта яширин овоз бериш кабинаси бўлиши керак?
6. Зарурат бўлса, жисмоний имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган яширин овоз бериш кабиналари мавжуд бўлиши кераклиги белгиланган. Мазкур кабина бошқа оддий кабиналардан нимаси билан фарқланади?
7. Участка сайлов комиссияси биносига неча метр қолганда ва йўлнинг қайси томонида сайлов участкасига йўналтирувчи кўрсаткичлар ўрнатилиши керак?
8. Участка сайлов комиссиясида юритиладиган қандай иш юритиш дафтари ва жилдлари бўлиши лозим?
9. Майдони кенг бўлган яширин овоз бериш хонаси билан майдони кичик бўлган яширин овоз бериш хонасининг фарқи нимада?